





Ваъда берди-ю, аммо...

Исроил ракеталари Ливаннинг Кана шаҳридаги кўп қаватли иморатни ёр билан яқсон этди. Қўчкинга айланиб, ушбу уйдан бошлана топган ливанликларнинг 60 дан зиёди ракета зарбалари оқибатида ҳалок бўлган...

Исроил томон жанговар ҳаракатларни вақтинчалик тўхатиб турилиши ҳақида берган ваъдасида турмайдиغان кўринади. Reuters агентлигининг тарқатган хабарларига кўра, бош вазир Эхуд Ольмертнинг баёнотидан бир неча соат ўтиб, Исроил ҳаво кучлари Ливан шарқий ҳудудларидаги автойўللарга ракета зарбалари берган.

Исёнчининг синглизис қамокда

Абхазиянинг "Овчилар" исёнчи жангарилар гуруҳи бошлиғи Эмзар Квицианининг синглизис Нора 15 йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Тбилиси суди Норага нисбатан дастлабки икки ойлик қамок жазоси тайинлади. Нора жангари гуруҳ тузиш ва ноқонуний қурол-ярғоқ сақлашда айбланмоқда. Эмзар Квициани ва унинг жангариларини йўқ қилиш мақсадида Грузия махсус кучлари Абхазиянинг Кодорск дарасида ҳарбий амалиёт олиб бормоқда. "Овчилар" гуруҳи Грузиянинг Абхазия билан chegarados ҳудудларига анча вақтдан буён таҳдид қилиб келмоқда.

Мағлубият тан олинмаяпти

Мексикада бундан бир ой аввал бўлиб ўтган президентлик сайловлари натижаларига ўз норозиликни билдириб, 2 миллионга яқин одам намойиш уюштирмоқда. Мамлакат пойтахтидаги асосий майдонга йиғилган Лопес Обрадор тарафдорлари натижаларини қайта ҳисоблаб чиқишнинг талаб этишмоқда. Уларнинг фикрича, овозларни ҳисоблаш жараёнига қаллоблик аралашган. Шу йилнинг 2 июлида ўтказилган президентлик сайловларида Лопес Обрадор Филиппе Кальдерондан ортада қолиб, мағлуб бўлган эди.

Качинский ўлим жазоси ҳақида

Польша президенти Лех Качинский Европа Иттифоқида ўлим жазоси тикланиши учун қўлидан келган барча иш-арти амалга оширади. У мамлакат миллий радиосида чиқиш қилар экан, бу ҳақда шундай дейди: - Вақти келадики, Европа бу мавзуга яна қайтади ва менга ушбу гоям учун ташаккур билдиришади. Шунингдек, у ЕИнинг қўлига принципалари қарши эканлигини аширмаслигини маълум қилди.

Уго Чавес мукофотланди

Эрон президенти Махмуд Ахмадинажод Венесуэла раҳбарини Эрон Исломи Республикасининг олий унвони билан мукофотлади. Халқаро турне доирасида Эронга таъриф буюрган Уго Чавес унинг 52 ёшини ушбу давлатда нишонлади. Маросимда Эрон раҳбари Чавеснинг тинчлик учун хизмати, гегамонизм босимларига қарши кураш ва Венесуэла халқи озодлиги йўлида амалга оширган ишлари учун олий унвонга лойиқ деб топди. Шунингдек, Чавеснинг Эрон миллий атом энергетикасини қўллаб-қувватлаётганини Ахмадинажод юқори баҳолашини айтиб ўтди.

Ҳукумат тузиш осон бўлмаяпти

Украинанинг Регионал партияси раҳбари Виктор Янукович президент Ющенкони қаллобликда айбланмоқда. Бош вазир лавозимига асосий номзодлардан Янукович суларига кўра, Ющенко конституцион мажбуриятини босим ўтказиш ва қўрқитиш куралига айлантириб олган. Мана бир неча ойдирки, Украинада муҳим ҳукуматни шакллантиришнинг иложи бўлмаяпти. Президент Ющенко Олий Радага бош вазир номзодини киритмапти. Агар августга бош вазир номзоди тайинланмаса, парламент тарқатиб юборилади ва қайта сайловлар бўлиб ўтади. Мутахассислар фикрича, бундай вазиятда Украинада сиёсий инқироз авж олиб кетиши мумкин.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 1 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари	940,30	1 Польша злотийси	397,62
1 Англия фунт стерлинги	2288,48	1 СДР	1813,49
1 Дания кронаси	209,96	1 Туркия лираси	823,70
1 БАА диррами	334,01	1 Швейцария франки	996,38
1 АҚШ доллари	1226,74	1 ЕВРО	1566,06
1 Микрон фути	213,66	10 Жанубий Корея воени	12,85
1 Исландия кронаси	16,94	1 Япония йенаси	107,28
1 Канада доллари	1086,00	1 Россия рубли	45,65
1 Ҳитой юани	153,84	1 Украина гривенаси	242,92
1 Малайзия рингити	336,09		

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

(Боши 1-бетда) Август ойи ҳосилга ҳосил қўшиш, ҳар бир тул ғўза билан "тиллашиб", ҳолатига қараб парваришlash дегани. Суғориш, култивация, чеканка, ҳосил зараркундаларига қарши курашиш каби ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида, беками кўст амалга ошириш дегани.

Хўш, бу агротехник тадбирлар қайси-ю, унинг ўзига хос жиҳатлари нимада? Умуман, август ойида қандай ишларни амалга ошириш керак? Мутахассислар тили билан айтганда, ғўзага маъданли ўғитлар бериш туғалланганига анча бўлди. Аммо бу озиклантириш туғади, дегани эмас.

Августдаги зарбдор меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

Барча майдонларга шарбат суви бериш керак бўладики, бу кўсанинг тўлиши, магзи тўқ бўлишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу борада мавҳуд қувватлардан унумли фойдаланиш, ғўза қатор ораларига иложи борича кўпроқ шарбат оқиши зарур.

Тажрибали дехқонларнинг таъкидлашича, шу кунларда ҳар бир пайкални шариотдан келиб чиқиб, куллатмасдан, чўлатмасдан суғоришга асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади. Меъёридан ортиқ сув тараған майдонларда ғўза гўллаб кетади, гул кўсақлар сарғайиб, тўқила бошлайди. Шунинг учун ҳам меъёрни сақлаш, суьга қонган, оқланган пайкаллардаги об-ҳаётни пешма-пеш бошқа пайкалларга бериб юбориш чора-тадбирларини қўриш даркор. Суғоришда ўқариқлар ораси узунлиги 50-60 метрдан ошмаслиги зарур. Акс ҳолда пайкалнинг кўс қисми қорайиб, захлаб кетса, охирига суь яхши етиб бормай, сарғайиб кетади.

Бу эса бир пайкалдаги ғўзанинг ҳолати ҳар хил бўлишига олиб келади. Ва, албатта, суьни шарбат усулида оқишига, бунинг учун эса ҳар пайкал тепасида шарбат чуқурчалари қазиб, уни шарбатга тўлашиб, об-ҳаётни ғўза қатор ораларига чуқурчалар орқали ўтиб боришига эришиш лозим. Кўсақларнинг бўлиқ, салмоқдор бўлишида бу тадбирнинг аҳамияти беқасдир.

Сув тақчиллиги кузатилаётган бу йилги шариотда ҳар 5 литр суьга битта суьни ажратиб, биттадан ағат ташлаб суғориш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ. Сўнгги пайтада ҳароратнинг кескин кўтарилиши муносабат билан ғўзаларни кўпроқ тунда суғоришга эътибор бериш керак. Шундай қилганимизда суь парланиб исроф бўлмайди, ғўза суьни қониб ичади, "тана"си яйради, ҳосилга ҳосил қўшади.

Августда суғориш чоғи пахтазор қўллаб кетишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бу ғўза кўкка зўр бериб кетишига олиб келади, пировардида ҳосил туғунчалари зарур озуқа ололмайди, "сиқилиб", димкииб қолади ва тўқилиб кетади. Сув ғўза қатор ораларидан бир текис ўтиб, тупроқ етарли намни олиши билан суғориш тўхатилади керак. Бу - суьни кунни тунга улашиб, тунларни оғоҳ, зийракликда ўтказиши лозим дегани.

Бир ундан ҳар хил қўш учиб чиққандек, бир пайкалда ҳам ҳар хил ғўза бўлиши мумкин. Пайкалнинг ҳаммаси эмас, баъзи жойлари ўғитталлаб бўлиши, сарғайиб, ривожланишдан орқанда қолиши пахтачиликда уграб турадиган ҳолат. Бундай жойларга алоҳида қўшимча илов бериш, озиклантириш, талаб суғориш, яъни ўша пайкалнинг ҳамма ерига эмас, худди ўша ривожланмайдиган орқанда қолган ғўза қатор ораларига суьни етаклаб бериш керак. Бу

ишни дехқончиликда катта тажрибага эга бўлган суьчилар амалга оширадилар. Август суьни - ғўзага бамисоли кон. Мутахассисларнинг алоҳида таъкидлашларича, августда "шарбат" суьига тўйган ғўза сифатли ва барақали ҳосил тўплайди. Лекин бу оби ҳаёт "қон мильлардан" ўтиб ғўзага ҳаёббах таъсир ўтказиши учун ғўза қатор оралари оби-тобида, сифатли юмшатирилган бўлиши керак.

Бу ойда суьчи, механизатор масъулияти бошқа даврларга нисбатан ўн чандон, юз чандон ошиб кетади. Суьчи ғўзаларини кўпроқ тунда, "шарбат" усулида талабига қараб суғориши кер...

Адолат", Сирдарё туманидаги "Тулан ота", "Эргаш ҳожи", "Ж.Мамамов" каби фермер хўжалиқларида эса ғўзанинг тана қисмида 3-4 тадан кўсақ ҳосил қилиниб, ўсимликнинг ўчки қисми, ён шохлари ҳис қандай ҳосил нишонларисиз гўлалиб юборилган. Бу фермерлар, афтидан, ғўзанинг бўйича махлий бўлиб, пировард натижани ҳаёббах фаромуш қилган кўринадилар. Бироқ, ҳали ҳам кен эмас. Август ойида бор ишчи кўчларини сарфарбар этиш билан ҳосилга ҳосил қўришнинг мумкин. Чекананинг яна бир аҳамиятли томони, шу бахонада "вақланган" қатор ораларига шабада юрадики, бу кўсақларнинг бўлиқ, сал...

моқдор бўлиши, эрта очилишида, олигнак толанинг сифатли бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Август ойида бироқ пахтаб, кечалари салқин тушиши билан кўсақ куртининг тухум қўйиб, ўргимчақана каби ҳосил қушандаларининг кўпайишига ҳолатни қаради. Шунинг учун бу ойда дала назоратчилари, агроном-энтмологлар ҳар қанчогидан ҳушёр...

Августда мутахассислар - агроном, инженер, ирригатор, агроном-энтмолог каби мутахассисларнинг масъулияти далада ишловчиларникидан асло кам бўлмайди. Мутахассислар, олимлар ҳар кун пахтазорни оралаб, суғориш, култивация сифатини қўриб, ғўза ҳолатини кузатиб, фермерларга, дехқонларга ўзларининг амалий маслаҳатларини, ёрдамларини бериб боришлари керак бўлади.

Яна эзининг сўнгги ойида юқориди тадбирларни амалга ошириш билан бирга ҳосил йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик қўриб қўйиши лозим. Йўл-кўприқлари, хирмонжойларни, юқлаш-ташиш техникаларини таъмирлаб, созлаб, тош-тарозиларни тахт қилиб қўйиш ҳосилни қисқа фурсатларда, сифатли йиғиштириб олиш имконини беради.

Бу йил республикамиз раҳбариятининг гамқўрлиги ва амалий ёрдами билан ўғит, ёнлиги-мойлаш материалларини, иш ҳақини даланинг бошига етказиб бериш тизими яратилгани...

Август - пахтачиллик учун муҳим, ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ой эканлигини фидойи дехқон ҳам, лағзи ҳалол ва тажрибали фермер ҳам, ишнинг кўзини биландиган раҳбар мутахассис ҳам жуда яхши билади. Бас шундай экан, августда ҳосил салмоғини янада ошириш уларнинг ташкилотчилигига, жонқурлиғига, фидойилиғига боғлиқ. Ана шундагина мўлжалдаги ҳосил етиштирилади, эл ризқ-рўзи бутун, хирмонларимиз барақали бўлади. Мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон галлқорларига йўлаган табриқларида таъкидланганидек, қўл қадок, кўлни кўрган, бошидан не-не синовалари ўтказган заҳматқаш дехқонларимиз буюк ишларга қодир. Юртимизнинг ана шундай буюк ишларга қодир яратувчилари бор экан, иқтисодимиз тобора юксалиб, она-Ватанимиз янада равақ топади, турмушимиз бундан-да фаровон бўлади.

Ю.РАҲМАТОВ



Оламни мажрий айлаган замин

(Боши 1-бетда) Охириги йилларда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш таъминланди, макроекономик ва молиявий барқарорлик кучайтирилди ҳамда иқтисодий-социал ҳаётда муҳим ўзгаришлар соҳаларида мувозанат юзга келтирилди. Ҳаётда муҳим ўзгаришлар ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. - Хусусан, 2006 йилнинг 6 ойи давомида виллоятимиз кичик бизнес субъектлари томонидан тижорат банкларига тақдим этилган жами 1785,2 миллион сўмлик 1140 та лойиҳа молиялаштирилди. Шундан 16708,4 миллион сўми тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда 476,8 миллион сўми бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан берилган. Натичада ажратилган кредитлар ҳисобига 1664 та янги ишчи ўринлари яратилди, - дейди Марказий банкнинг Самарқанд виллоят Бош бошқармаси Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Алишер Бақодиров. Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан ажратилган 476,8 миллион сўм микродоли кредит маблағларининг 412,5 миллион сўми иш билан таъминлашга қўмақлаштириш Давлат жамғармаси ҳисобидан, 34,3 миллион сўми эса Вазирлар Маҳкамасининг 366-сонли қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, яъни дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун "Микрокредитбанк" кредит линияси ҳисобидан ҳамда 30 миллион сўми Дехқон-фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағларни ташкил қилади. Мустақиллик туғайли кишилар, аввало, ўз кучига суьиб, ўз тақдирини, оиласи келажагини ўзлари белгилайдиган бўлилар. Мамлакатимизда ҳусусий мулк нафақатларини мустақамлашга, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўллаб қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган. - Мен ўзим ҳам бир неча йиллардан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман, - дейди "SAMANTER-CIZOM" қўшма корхонаси директори Ҳамза Аминов. - Биласизми, авваллари мен кўпроқ чет эллардан (ассосан, гилам), маҳсулот олиб келиб, уни Ўзбекистонда сотардим. Лекин мени бир ўй қондаб келарди. Наҳотки, ушбу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқара олмадик? Аҳир, ҳунари халқимиз. Қолаверса, меҳнатга иштиёқимиз ҳам баланд. Агар четдан олиб келаятган гиламларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, қони фойда. Аввало, четга чиқиб кетётган маблағни (валюта ҳисобидан) тежаимиз, бозорларимизни анча арзон маҳсулот билан таъминлаймиз, энг асосийси,

янги иш ўринлари пайдо бўлади. Мен шу режамни амалга ошириш учун каттиқ ишга киришдим. Зарур сармоя тўплашга, хоржиқлик шериклар билан ҳамкорликда гилам тўқиш корхонасини ташкил этдим. Корхонага энг замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Жаҳон андозларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш учун барча шарт-шароитни яратдик. Бугунги кунда корхонамизда 150 га яқин йигит-қизлар меҳнат қилмоқда. Бу эндиликда маҳсулотимизнинг асосий қисминини экспортга чиқараётимиз. Биргина 2006 йилнинг янги йилда 500 минг АҚШ доллари миқдоридида маҳсулотни хоржий мамлакатларга сотдик. Энди ўзингиз ўйланг, ўн беш йил аввал шундай ишларни амалга оширишимизни, ҳатто хаёлга ҳам келтириш қулгили ҳол ҳисобланарди. Шу эмасми, меҳна ва ҳаммамизга берилган мустақиллик туғаси. - Истиклол йилларида инсонлар саломатлигини муҳофиза қилиш учун тиббиёт соҳасига алоҳида эътибор берилди. Айниқса, қишлоқ аҳолисиغا тиббий хизмат қўриштириш тубдан ўзгарди. Аввалги қишлоқлардаги тор хоналардаги, ҳатто беморга биринчи тиббий ёрдам қўриштиришга ҳам имконият бўлмаган тиббий участкалар ўрнига бугун барча зарур воситалар билан жиҳозланган, қўш, замонавий усулда қўрилган КВП - қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди. Масалан, бугунги кунда Нарпай туманида 24 та КВП аҳоли саломатлигини муҳофазаси йўлида фаолият қўришаётди. Кейинги ўн йилда 7 та КВП лойиҳа асосида, 17 таси мустақиллиги йўли билан ишга туширилди, - дейди Нарпай тумани Марказий сифохонаси бош врач Уринбошари Фахриддин Бобоев. Халқ саломат бўлган юртинг келажакки порлоқ бўлади, деб бежиз айтишмайди. Мамлакатимизда Юрбощимиз раҳнамолигида халқ саломатлиги йўлида олиб борилаётган ишлар албатта бесамар кетмайди. - Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисминини ишлар ташкил этади. Улар юрт келажакки, Ўзбекистоннинг порлоқ келажакки, тараққийти бугунги ишларимизнинг иқтидорини, салоҳияти билан яратилди. Айниқса, Юрбощимизнинг биз ишларга эътибори, гамқўрлигини чин дилдан ҳис қилаётимиз. Яратиб берилётган им...

фермерларни, ер эгаларини ортиқча оврагарчиликлардан, сарсонгарчиликлардан ҳалос этди. Август ойида ҳам бу хайрли ишни изчил давом эттириб, далада ишловчиларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш, дехқонларнинг "иссиқ-сувуйи"дан, оқат-озигидан доимий бохабар бўлиб туриш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш энг асосий омилдир. Қўриниб турибдики, бугун ғўза парвариши алоҳида эътибор ва уюшқоқлик талаб қилади. Ишга бефарқлик, парваришда эътиборсизлик катта зарар келтиради. Ҳосилнинг салмоқли қисмини

Сирдарё виллояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан Ховос туманининг Тожикистон Республикаси билан чегара ҳудудидаги айланма йўлда ҳарақатланаётган "КамАЗ-5320" русумли автомашина текширилганда, унда республикамиз фуқаролари А.Холбоев, А.Содиқов, Й.Хусанов ва И.Маҳкамовлар ҳеч қандай ҳужжатларисиз, ноқонуний равишда жами 2,65 миллион сўмлик 7700 литр дизел ёнилгисини Тожикистон Республикасига олиб чиқаргани аниқланди.

Шу каби ҳолат андижонлик божхоначиларнинг бошқа ҳуқуқни муҳофиза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирлари давомида аниқланди. Пахтаобод туманидаги айланма йўллар орқали ҳарақатланаётган "Тико" русумли автомашина тезкор гуруҳ томонидан тўхатилиб текширилганда, ушбу автоулода республикамиз фуқароси А.Якубов ўзи билан Пахтаобод туманидаги "Market-oil savdo" ёниги қўйиш шохобчасидан сотиб олган 200 литр нефт маҳсулотини ноқонуний равишда Қирғизистон Республикасига олиб кетаётганлиги маълум бўлди.

Кейинги суриштирув ишлари давомида "Market-oil savdo" ёниги қўйиш шохобчасида текширув ўтказилганда, ушбу шохобчанинг иш фаолияти вақтинча тўхатилганлиги ва нефт маҳсулотларини сотиш учун лицензияси йўқлигига қарамадан, бу ерда нефт маҳсулотлари сотилаётганлиги ҳамда шохобчада келгусида Қирғизистон Республикасига олиб чиқиб кетиш учун тўплаб қўйилган 20 минг 594 литр керосин, 4 минг 420 литр печ ёнилгисини мажбурий аниқланди, маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олинди.

Ҳозирда юқориди ҳолатлар асосидан киноят иш қўзғатилади, ҳужжатлар қонуний чора қўриш мақсадида тегишли идораларга юборилди. Нурбек САЛОМОВ

кониатлардан қандай фойдаланиш эса ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Мана, қўллаб-қувватлашимиз чет эллардаги нуфузли олий ўқув юрталарида ўқиб келишаётган, - дейди Самарқанд қишлоқ хўжалиқ институтини талабаси Мархаб Чўлиева. 2005-2006 ўқув йилида бакалаврлар учун таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат стипендиясига сазовор бўлдим. Олди қишлоқ қизига, унинг камтарона меҳнатига, олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларига давлат даражасида эътибор берилгани учун бир умр Юрбощимиздан миннатдорман. Истиклол йилларида Самарқанд чиройига йил чандон чирой қўшилди, десак янглишмаган бўламиз. Бундан икки йил муҳаддам Юрбощимиз Самарқандда туризмни ривожлантириш ва уни сайёҳлар шаҳрига айлантириш билан боғлиқ бир қатор вазифаларни белгилаб берганди. Жумладан, Регистон мажмуаси атрофини баланд иморатлардан ҳалос қилиш, Бибихоним масжидига ёндоқ майдонларда кенг қўламдаги ободонлаштириш ишларини бахариш, иккинчи томондан, Шох Зинда ансамблига туташ мавзеваларни тартибга келтириш, хусусан, обиданинг ўзини таъмирлаш ва шаҳарнинг бошқа диққатга сазовор жойларини ободонлаштириш вазифалари шу режага киритилган.

Уттан давр мобайнида қўрилган жуда катта ишлар туғайли шаҳар қиёваси таъин бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Бош режага мувофиқ эски шаҳар ҳудудидаги ўттиздан ортиқ сановат корхонаси шаҳар ҳудудида ташқарига қўрилмоқда. Афросиёб билан Шох Зинда ўртасидида йўл туристик йўналишга айлантирилди. Бу йўлда сайёҳлар учун изовш ва шунга ўхшаш уювларда ҳарақатланиш ташкил қилинади.

Шунингдек, аҳоли саломатлиги ва шаҳар санитария-гигиена ҳолатини янада яхшилаш мақсадида талай ишлар бажарилимоқда. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик шарофати туғайли Самарқанд яна сайфат топмоқда.

А.КАРИМОВ, М.ЗИЕДИНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбирлари.

Жараён

# Ҳамкорликка путур етмасин

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан "Ўзвиринсанот-холдинг" компанияси вужудга келиши туфайли мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантиришга эътибор янада кучайтирилди.

Айниқса, компания томонидан аънавий тарзда тизимда минтақавий семинарларнинг ташкил этилиши фермер хўжаликлари ва қайта ишловчи корхоналар ҳамкорлигини мустақамлашда, сифатли хом ашё қабул қилиш ва вино ишлаб чиқариш муаммоларига биргаликда ечим топишда кўл келмоқда.

Қашқадарёнинг Китоб туманида ташкил этилган минтақавий семинарда соҳибкорлар ва сановатчиларнинг шартнома шартларига риоя этиши, тўлов интизомига қатъий амал қилиш, меҳнатни рағбатлантиришнинг мақбул усулларини излаб топиш каби масалалар ҳақида фикр юритилди.

Қашқадарё вилояти мисолида айтадиган бўлсак, ўтган йили ҳудудда 21461 тонна узум етиштирилиб, унинг 2146 тоннага яқини қайта ишлаш корхоналарига юборилган, ҳолос. Ваҳоланки, вилоятда узумни қайта ишлашга ихтисослашган сановат корхоналарининг қуввати 22 минг тоннага тенгдир. Боғу тоқзорлар, полиз ва сабзавот майдонлари фермерларга берилган, бу йил вилоятда маҳсулот етиштириш ҳажми 386680 тоннага етиши мўлжалланган. Шунинг 65928 тоннаси узумни ташкил этади. Биргина Китоб туманида бу йил 25301 тонна узум тайёрланиши мўлжалланаётганининг ўзи тизимда ўзгаришлар кўзга ташланаётганидан далолат бериб турибди.

Очқ тани олиш керак, гоҳида қайта ишлаш корхоналари мароми сусаяди ёки мавсум пайтида тез-тез тўхтаб қолиш ҳоллари учрайди. Фермер эса шартномадаги маҳсулотни топширишга мажбур. Айрим ҳолларда эса корхона фермернинг ҳақини вақтида тўлай олмайдди. Албатта, бу каби муаммоларнинг пайдо бўлиши ўзаро ҳамкорликка путур етказиши мумкин.

Семинар ўзаро мулоқот тарзида ўтказилиб, қимматли тақлиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Фахриддин БОЗОРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Утерьяный аттестат о среднем образовании № 054514, выданный 26.06.1999 году средней школой № 5 г.Янгйуля Ташкентской области на имя Исхандерова Альви Исхандеровича, считать недействительным.

Тошкент Тўқимачилик ва енгил сановат институти томонидан 2006 йили Суюндиқова Гулнора Турсунқуллова номига берилган В № 223883 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЧП "YO'LCHI" Чиланзарского района г.Ташкента сообщается об уменьшении Уставного фонда с 1 863 836 сум до 277 000 сум.

## Кўргазма

Тошкентдаги "Фото уй"да юртимизнинг қадимий шаҳарларидан бири Қаршиннинг 2700 йиллигига бағишланган "Қадимий Нахшоб" навхирон Карши" дея номланган кўргазма очилди.

## Бир лаҳзалик тарих

Ўзбекистон Бадий академиясининг Тошкент "Фото уй" ва Халқаро маданият карвансаройи, Ўзбекистон Давлат Тарихи музейи ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазма 50 та экспонатдан ташкил топган бўлиб, уларда мамлакат Мустақиллигининг 15 йиллигини янги ютуқ-муваффақиятлар билан қарши олаётган замонавий Қаршиннинг кўп қиррали қиёфаси акс эттирилган.

Кўргазманинг асосий бўлимида Ўзбекистон олимларининг Қашқадарё вилоятинда олиб борган археологик изланишлари натижасида топилган қадимий суратлар, шунингдек, Халқаро маданият карвансаройининг археологик экспедицияси томонидан тақдим этилган асл буюмлар ўрин олган.

Бехзод КОДИРОВ

Ҳожиқурбон акага қовунчиликдан сўз очсангиз яйраб кетади. Бундан деярли ўттиз йил муқаддам "Бухоро қовунларининг агробиологик характеристикаси ва қадимий қовун навларини қайта тиклаш" мавзусида илмий иш ёқлаб, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди бўлган бу инсондан бир гал "Изланишларингиз нега айнан Бухоро қовунлари тўғрисида?" дея сўрадик.

— Бунинг ажабланидиган жиҳати йўқ. — деди у киши. — Бухоро қовунлари азалдан маш-

қовунчилигидаги яхши аъёнлар ўтган асрда ҳам давом эттирилиб, саҳий заманимизда

ги шакар миқдори эса тўрт фоизга ошди.

Ҳожиқурбон ака 1975 йилни яхши эслайди. Пахта яккаҳоқимлигига зўр берилган йиллар эди. Х.Ҳайитов ўз илмий ишида полиз маҳсулотлари аҳоли жон бошига атиги 24,4 килодан тўри келаётганини далиллаб берди. Холбуки, белгиланган меъёрга кўра, ҳар киши



# Бухоро қовунлари

хур бўлган. Тарихий манбааларда уларни Хитойга тансиқ полиз маҳсулоти сифатида олиб боришгани қайд этилган. Юртимиз қовунлари ҳақидаги маълумотларни IX-X, XIII аср ҳинд, араб манбааларида ҳам учратиб мумкин. 1834 йилда рус олими Н.Ханников Гиждувонда бўлиб, қовуннинг ўттизга яқин намини аниқлаган, уларни эртаги ва кечки турларга ажратган.

Ҳа, илгари Бухоро қовунлари донғи етти қилмига кетган эди, десак асло муболага бўлмайдди. Уни четга сотиши учун кўрғошнинг қозғоларга ўрашган. Қажаваларга солиб туяларга ортишган. Ана шундай қаровонлардан бирининг Ҳиндистонга — Мирзо Бобур хузурига боргани ҳам маълум. Дарвоқе, "Бобурнома"да шундай сўзлар бор: "Мовароуннаҳрда Бухоро қовунича кўп ва хўп қовун бўлмас. Агарчи Фаргона вилоятининг Аҳсининг бир навъ қовунини, "Миртемурий" дерлар, мунинг қовунини чуқурроқ ва нозуқроқ бўлур, вале Бухорода ҳар жинс қовундин кўп бўлур ва яхши бўлур".

Сирасини айтганда, Бухоро етиштирилган полиз маҳсулотлари ўз юртимиз оша Европада ҳам шухрат қозонди. Бу ўринда 1961 йилда Германиянинг Эрфурт шаҳрида ўтказилган Халқаро кўргазмани эслашнинг ўзи қифо. Ушунда Бухоро қовунларига ўнта олтин ва битта кумуш медал муносиб қўрилган эди.

Тиббиётчи олимлар фикрига кўра, қовун таркибида инсон организми учун зарур қанд ва бошқа моддалар кўп. У асабини мустақамлайди, қон айланишини тартибга солиди, таркибидаги фойдали элементлар буйрак, ошқозон касалликларини даволашда кўл келди.

Ҳожиқурбон Ҳайитовдек илмий изланишлар қилган, қовунчиликка ихлос қўйган олим ва деҳқонларнинг сая-ҳаракатлари билан қадимий аъёнлар тикланиб, бойитилмоқда.

— Сарибуриқалла навли қовун бор, — дейди Х.Ҳайитов. — Шу нават ўзига қатиштириб сифатини яхшилашга эришдим. Илгари унинг магзи 3-4 см эди. Чатиштира-чатиштира уни 8-9 смга етказдим. Таркибида-

йилига ўртача 99 килодан қовун-тарвуз истеъмол қилиши керак.

Ушунда Бухорода қовуннинг 7 та нави районлаштирилган бўлиб, уларнинг ҳам атиги учтаси маҳаллий нав саналарди.

Ҳожиқурбон ака маҳаллий навининг ўзи ўттиздан ошар экан, нега уларни районлаштириш мумкин эмас, деган фикрни ўртага ташлади. Ахир, Бухоро ўзининг оқнавот, бекзоди, кўкча, кўк гулбаби каби қадимий қовун навлари билан ҳам машҳурку.

Йиллар ўтиб, воҳу аҳолисининг полиз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мумамоси юзага келди. Бухоро бозорлари четдан кириб келган қовун-тарвуз эвазига севоб бўлиб қолди. Олисдан келтирилган, нархи ҳам чўнтакни "қачиши" турган гап.

Ана шундай вазиятда вилоят ҳоқимлиги Бухорода қовунчиликни ривожлантириш, Бухоро қовунларининг шухратини қайта тиклаш ташаббуси билан чиқди. 1997 йилда Бухорода илк бор Қовун сайли ўтказил-

## Изланиш

Истам ИБРОҲИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

# Ишбилармонлар ҳуқуқи ҳимояда

ЎзЛиДеП Сибийск Кенгаши Ижроия қўмитаси хузуридаги "Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш" Маркази Сурхондарё вилоят Кенгашида навбатдаги тадбирини ўтказди.

Унда тадбиркорлик ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар юзасидан фикр алмашиниб, ҳудудда партия электорати билан ишлаш, тадбиркорлар ва фермерлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган да-

## Хабар

қўллаб-қувватлаш борасида самарали тартибот-ташвиқот ишларини қўнайтириш, электротар муаммоларини аниқлаш, уларни ҳал қилиш усулларини ишлаб чиқиш, жойларда партия раҳбарияти ҳамда депутатлик корпуси аъзо-

ларининг ишбилармонлар билан бевосита мулоқотларини ташкил қилиб бориш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Мулкчиликка асосланган субъектларнинг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий-меърий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, қишлоқлардаги мулкдорлар синфининг мулкка бўлган муносабатини янада юксалтириш, аҳолининг турмуш даражасини бунданда яхшилаш борасида ЎзЛиДеП фаолларининг ташаббускорлигини ошириш лозимлиги таъкидланди.

ЎзЛиДеП Матбуот хизмати

# Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк" мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги шарафига Сизларга янги, қулай ва манфаатли бўлган "Истиклол" ҳамда "Ишонч" мuddатли омонатларини тақлиф этади.

Омонатларни сақлаш мuddати 6 (олти) ой ҳамда 3 (уч) ой бўлиб, ушбу омонатларга йиллик 24 фоиз миқдорда даромад тўланади. Бадалнинг энг кам миқдори 100 минг сўм.

Банк "Истиклол" омонат тури бўйича ҳисобланган фоизларни ойма-ой, "Ишонч" омонат тури бўйича ҳисобланган фоизларни эса омонатнинг сақлаш мuddати тугаганидан сўнг асосий сумма билан бирга тўлаб беради.

Омонатга қўйган маблағингиз "Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банкардаги омонатларини кафолатлаш фонди" томонидан кафолатланганлигини эсдан чиқарманг.

"Пахта Банк"нинг исталган филиалига мурожаат этиб, даромадингизни янада кўпайтиринг.

## Мустақиллигимиз Сизга доимо қувонч келтирсин!

### "Пахта Банк" — фаровонлигингиз калитидир!

## Ширкат ва фермер хўжаликлари, "Қишлоқхўжалиқимё", ўсимликларни ҳимоя қилиш идоралари раҳбарлари диққатига!

### Гўза говламасин, серҳосил бўлсин десангиз, кимёвий чеканка учун ПИКС дан фойдаланинг!

Германиянинг BASF компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ПИКС препаратни ўсимлик, шу жумладан, гўзанинг говлаб кетмай, калта бўғин бўлиб, энг мақбул тарзда ўсишини таъминлайди.

ПИКСнинг сувдаги аралашмасини пуркаш чеканка қилишга ҳожат қолдирмайди, кўсакнинг тезроқ нишиб етилишига шароит туғдиради, ҳосилдорлиқни 3-4 центнерга оширади.

## "БИ 58 НОВЫЙ" - ДАВР СИНОВИДАН ЎТГАН ИНСЕКТИЦИД

Зараркуанда ҳашаротларга қарши курашишда кенг қўламда таъсир этувчи, Германиянинг BASF компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган ана шу препаратдан фойдаланинг!

Пахтачилик, галлачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ва бошқа соҳаларда "БИ 58 НОВЫЙ"ни қўллаш ҳашаротларни йўқотишда катта наф келтиради.

Ўзбекистонда қўлланишга руҳсат этилган "ПИКС", "БИ 58 НОВЫЙ" препаратларини Тошкентдаги ташкилотдан банк орқали маблағ ўтказиш йўли билан сотиб олишигиз мумкин. Тел.: 54-18-79; 54-82-50; 131-44-28.

## МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

## МТЗ "Беларус" ТРАКТОРЛАРИ МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни тақлиф этади.



Манзилимиз: Тошкент ш., Братислава кўч., 11. Тел.: 151-20-33, 151-20-90. Факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

# БУНИ ХАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## Жазо

Султон "Ёғли" ишга кирганидан сўнг босар-тусарини билмай қолди. Ҳар уч ойда машинасини янгилайдиган одат чиқарди. Қўшқаватли иморат қурди. Кейин эса... хотин устига хотин олди. Тўртта ҳашамдор ҳовли, тўртта хотин ва минг битта ташвиш.



Ишидан ишқал чиққан, тўрт томонга югурди. Ҳай-товур қамалмади. Аммо йиққан бойлигини казо-казоларга гадога севдақа улашгандай узата-узата чўпдай озиб кетди. Рангида ранг қолмади. Бу ёқда эса тўрт хотин, минг бир ташвиш. Бири у дейди, бири бу, Султоннинг эса югургани мажлоли йўқ. Юғуриб қай-га ҳам борсин? Унга энди "ёғли"ишларга йўл бўлсин. Аммо қундошларнинг жанжали ёмон экан. Бу торта-торлар охири оқибат Султоннинг ёғи остидаги "Нексия"сини сотиб юбориши билан тугади. Султоннинг тоби қочди. Шифохонга тушди. Докторлар бош чайқашди: "Ошна, каттик толиққан кўринасиз. Қон босимингиз ҳам юқори. Ҳеч нимани ўйламанг энди. Сизга яхши кайфи керак".

## Имон

Намоз бобо шум хабарини эшитиб, эсидан оғабди. Яққа ёлғиз фарзандини машина тўғри юборибди. Ўғлининг касалхонада вафот этгани эса уни буткул эсанкиратиб қўйди.

Жигарбандидан жудо бўлганига ҳеч ишонгани келмасди. Таъзия маросими қандай ўтганини ҳам эслаб олмайдди. Фикри-зикри ўғлининг ўлимига сабаб бўлган бойваччада. Унинг маст ҳолда машина бошқариб, Фиевбекиннинг умрига зомин бўлгани ҳеч ҳақидан кетмасди.

Бир неча кундан сўнг бойвачча йигитнинг отаси Намоз бобони йўқлаб келди. Қуръон тиловат қилди. Отаҳонга таскин бериш учун Оллоҳдан сарб тилади. Гаги охирида "тихлат" ҳақида алоҳида тўхтади.

—Бу дунёнинг азобларини мен ҳам тортганман, — деди меҳмон чуқур ўх тортди. — Икки ўғлимни тупроққа топширганман. Инсон чидар экан, нимаям қилардик, бу Оллоҳнинг иши-ди.

Намоз бобо бошини силкитиб унинг гапларини маъқуллади. Меҳмон отахоннинг олдига қоғоз, қалам қўйиб, "даъвоим йўқ" деб ёзиб беришни сўради.

—Майли, кетган кетди, нимаям дердим, — қўларини ерга қадади Намоз бобо. — Ёзиб бераман. Ёзамасам ўғлим тирилиб келармиди?


Тилхат ёзилаётган пайтда стол устига бир нарса "тап" этиб тушди. Намоз бобо не кўз билан кўрсинки, стол устида бир дунё пул турарди. Умрида бунча пулни ушлаб ҳам кўрмаганди. Отаҳон ёзишдан тўхтади ва меҳмоннинг юзига синчков раэм солди. Унинг юзидан мағрурликни кўрди. Ҳамма нарсани пул билан ҳал қилса бўлади, деган таъна ва дашномни кўргандай бўлди.

—Нима бу! Сен мени пулга сотиб олмақчимисан! Пулни берсам тилхат ёзиб беради, деб ўйлагансан-ди. Ахир ўғлим Фиевбек гўрида тикка туради-ку. Сен пул билан имомини сотиб олмақчи бўлдинг. Йўқ, адашдинг. Билиб қўй, Намоз дангал имомини ҳеч қачон пулга сотмаган. Бундан кейин ҳам сотмайди.

Шу гапларни айтди-ю, ўзи ёзиб тугатмаган тилхатни йиртиб-йиртиб бойваччанинг афтига отди ва уйига кириб кетди...

## Сўнгги пушаймон...

Тошмат қасоб қўша-қўша уйлар қуриб, машиналар олиб, энди хузурини кўраман, деганда боши ёстиққа тегиб, ўн беш кунларча бўлди, шифтга боқиб ётибди. Савлатидан от ҳурқадиган қасоб шу кунларда чўпдай озиб, суврати қолди ҳолос.



У дунёлигини бўйнига олган қасобнинг кўз ўнгида бутун ҳаёти, қилган ишлари кино тасмасидай "лип-лип" ўтар, охирагини ўйлаб, даҳшатга тушарди, кечалари уйқуси келмай босинқираб чиқарди. Охири чидолмади, шекилли, ўғилларини ёнига чақирди.

—Мен кетаяпман. Шу нарсани билингларки, кимки одамлар ҳақиқа хиёнат қилиб, менга ўшаб, бойлик ортираман деса, хато қиларди. Мана, оқибатини кўриб турибсизки, эллидан ошганимда томоғимдан сув ўтмаяпти. Дўкондаги тошларнинг ичини қавлаб, енгиллаштирганман. Шуларни чиқариб ташланглар. Янгисини қўйинглар. Бундан бўён тарозидан урманглар. Мен ноинсоф семиз мол гўштига бегона суюқларни майдалаб қўшиб сотардим, шуларнинг худди биттаси томоғимга тикилиб тургандек бўляпти. На у ёққа кетади, на бу ёққа чиқади. Бундан ташқари ҳеч қачон елин, дум ва бошқа аъзоларни гўштга қўшиб сотманлар.

Бир кун икки йигит икки юз кило гўштни ярим нарҳига бериб кетишди. Ўғирлик эканини сезсам-да, арзонлиги учун олдим. Эртасига маҳалламиздаги Хайри кампирнинг биттаю битта сигирини ўғриллар тинчитиб кетгани тўғрисида гап тарқалди. Дамимни чиқармадим. Илоҳи бўлса, ўша кампирни рози қилинглр. Яна, яна... Йўқ, айтолмайман... Тошмат қасоб бир оҳ тортди.

—Эргаш, Жума, Фулом қасоблар эчки гўштини қўй гўшти, деб алдаб сотганлар. Мен эса, ундан баттарини қилганман. От-ку, майли-я... Эҳ, худойим-а, ўзинг кечиргин...

—Дадам алаҳсираётпти шекилли, — деди катта ўғли. —Алаҳсираётганим йўқ. Мен-ку бўлганимча бўлдим. Сизлар учун айтаяпман бу гапларни. Эртага пул, мол-дунё учун меннинг аҳолининг тушиб ўтирманглар.

Олдимга амалдорлар келса, қўлим қўсимда, тиржайган ҳолда кулук қилардим. Лаҳм жойидан кесиб бераддим. Бева-бечора одамлар келиша, хоҳласан шу, бўлмаса катта кўча, деб сўя ташлардим. Қанчадан-қанча одамларнинг қўнглини оғритганман, саноғи йўқ. Қошқиди, ҳаммасидан рози-ризолик сўролсам.

Яна бир гуноҳим бор. Ўзларинг ҳам сезгандирсизлар, аввало сизлардан кечирим сўрайман. Гулiston, Уратепада ҳам хотинларим бор. Бориб айтинглар, ўшаларнинг бошлари очик, Илоҳи бўлса, ердан қилинглр. Лекин илло-билло меннинг қинғир йўлимни тўтманглар.

Тошмат қасобнинг нафас олиши қийинлашди. Шомурод ХОЛМУРОДОВ

